*Адл ила олам юзин обод қил*

# Куч – адолатда

2020 йил
29 май,
жума
№ 16 (789)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси ● http://www.sud.uz ● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## РАҚОБАТ – БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ҚАТЪИЙ ЎТИШ ЖАРАЁНИДА ПРИНЦИПИАЛ МАСАЛА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 май куни иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.***

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти билан алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бу эса ички бозорда рақобат муҳитини таъминлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишни талаб этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида рақобат масаласи принципиал аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Мени ташвишлантирадиган масала шуки, корхоналаримиз ташқи рақобатга бардош бера оладими? Четдан товар кириб келса, юртимизда ишлаб чиқарилган худди шундай маҳсулот унга рақобатчи бўла оладими? Маҳаллий маҳсулотларнинг таннархини пасайтирсак, хориждан ўзлари олиб кетишади, — деди Президент.

Бугунги кунда 31 та товарлар гуруҳи ва 82 турдаги хизматлар бозорида 245 та корхона монопол ҳолатда сақланиб қолмоқда. Лекин бир қатор йўналишларда рақобат муҳити шаклланиб бўлган 19 хил маҳсулот ва хизматлар бўйича 70 та корхонани монополистлар реестрдан чиқариш мумкин.

— Рақобат бўлмаса, сифат бўлмайди, нарх тушмайди. Замон ўзгаряпти, лекин монопол корхоналар ўзгара олмаяпти. Қатъий чоралар кўриш вақти-соати келди. Иқтисодиётда бу ҳаёт-мамотимиз. Агар раҳбарлар шунга муносиб бўлса, ишлайди, бўлмаса — кетади, — деди Президент.

Йиғилишда корхоналарнинг бозордаги монопол мавқеини аниқлаш бўйича ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, монопол товарлар рўйхатини кескин қисқартиришга қаратилган "йўл харитаси"ни тасдиқлаш вазифаси белгиланди.

— Дунё тажрибасини ўрганиб, ўз йўлимизни топишимиз зарур. Монополиядан чиқариш, рақобатни таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича якдил йўналишимиз бўлиши керак, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлат иштирокидаги корхоналарда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан бирга рақобатни ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли дастурни ишлаб чиқиш ... тизимини жорий этиш, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан барча рақобатни асослари ва комплаенс бўйича ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда) ▶

## Янги ойнинг янгиликлари

*2020 йил 1 июндан бошлаб миллий қонунчиликда кутилаётган айрим ўзгаришларга эътиборингизни қаратамиз.*




***Биринчидан, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони кўшимча 10 фоизга оширилади.***

Ўзбекистон Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига кўра, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони кўшимча 10 фоизга оширилади.

***Иккинчидан, тадбиркорлик субъектларига нисбатан солиқ имтиёзлари кучга киради.***

Президентимизнинг "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан 2020 йил 1 июндан бошлаб кичик тадбиркорлик субъектлари, бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш шохобчалари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинади.

Бу имтиёз 1 сентябргача бўлган давр учун амал қилади.

***Учинчидан, тиббиёт муассасаларида фитобарлар ташкил этилади.***

Давлатимиз раҳбарининг "Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт муассасалари, шу жумладан, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ (овул) врачлик пунктларида фитобарлар ташкил этилади.

***Тўртинчидан, импорт қилинадиган чилим учун тамакига акциз солиғи тўланади.***

Президент қарори билан импорт қилинадиган қиздириладиган тамаки маҳсулотлари, чекиладиган, чайналадиган, ҳидланадиган, шимиладиган (снюс), никотинли тамакисиз снюс, таркибида никотин мавжуд суюқликларга ҳам акциз солиғи киритилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида энг кўп зарар кўрган ва кўраётган туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, юз минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини ушлаб туриш, шунингдек, мамлакатда санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси, жамоат ташкилотлари ва туризм соҳаси субъектларининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

белгиланган санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига қатъий риоя этган ҳолда **2020 йилнинг 1 июндан "яшил" ва "сариқ" тоифадаги ҳудудларда ички туризмни қайта йўлга қўйиш** билан биргаликда ёндош ташкилотларнинг (туроператорлар, турагентликлар, жойлаштириш воситалари, маданий мерос объектлари ҳамда бошқалар) фаолиятини бошлаш;

**фуқароларига Ўзбекистон Республикасига киришга рухсат этиладиган** мамлакатлар рўйхатини белгилаб олган ҳолда кириш туризмни босқичма-босқич қайта тиклаш.

2. Белгилансинки, туроператорлар, турагентликлар, шунингдек, жойлаштириш воситалари учун:

2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар фойда солиғи ставкаси белгиланган **ставкага нисбатан 50 фоизга камайтирилади;**

2020 ва 2021 йил якунлари бўйича зарарларни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилган миқдор билан чекламаган тарзда ўтказиш ҳуқуқи берилади;

**2021 йил 1 январгача** бўлган даврда **туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш** тўхтатилади.

Жойлаштириш воситаларига алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун маҳаллий йиғимни тўлашни 2021 йил 1 январгача бўлган муддатга давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилиш ва кейинчалик уларни 12 ой мобайнида тенг қисмларда тўлаш асосида **фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилади.**

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан:

а) 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда қуйидагиларга Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси томонидан белгиланадиган мезонлар асосида **12 ой муддатга** бир марталик **мақсадли фоизсиз ссудалар** ажратиш шаклида:

**туроператорларга** 2019 йилдаги ўртача ойлик иш ҳақи фондининг уч бараваридан ошмайдиган миқдорда;

**жойлаштириш воситаларига** ҳар бир ётоқ ўрни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;

б) Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартибига мувофиқ туризм соҳасидаги **"стартап" лойиҳалар ва инновацион бизнес ғояларни,** шу жумладан, биринчи навбатда туристлар учун қулайликлар яратишга йўналтирилган ахборот дастурлари ва хизматларини умумий **1,5 миллиард сўм** миқдорида **қисман субсидиялаш** орқали;

в) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда республика ҳудудларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчалари, овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига лойиҳа қийматининг **30 фоизи, лекин ҳар бир лойиҳа учун 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда грантлар** ажратиш орқали;

г) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишга **гидлар учун** 5 миллион сўм, **туроператорлар учун** 10 миллион сўм миқдорида **грантлар** ажратиш орқали **қўшимча кўмак кўрсатилади.**

4. Давлат томонидан қуйидаги қўшимча кўмак кўрсатилсин:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидагиларни **субсидиялаш:**

жойлаштириш воситаларини қуриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 мартдан 1 июнгача бўлган даврда туризм соҳаси субъектларининг **фоиз харажатлари;**

(Давоми 2-бетда) ▶

*Янги қонун муҳити*

## Давлат божи ставкалари оптималлаштирилди

*бу уй-жой олди-сотдиси билан боғлиқ нотариал ҳаракатларга ҳам алоқадор*



Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун маъқулланган эди.

Мазкур қонун шу йил 21 майдан кучга кирди.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Қонун ижодкорлиги*

## Янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси:

### кодекс лойиҳасидаги асосий янгиликлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган

***Айни вақтда Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелдаги фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида Адлия вазирлиги томонидан янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.***




Шу ўринда Фуқаролик кодексини янгилашнинг зарурати нимада, деган савол туғилиши табиий. Маълумки, амалдаги Фуқаролик кодекси 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида катта ўзгаришларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнади ва бозор иқтисодиёти ривожланишига ҳуқуқий замин яратиб берди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи иқтисодиётни янада либераллаштиришни тақозо этмоқда. Шу мақсадда иқтисодий муносабатларни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк кафолатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинган.

Бошқача айтганда, бугунги кунда реал бозор иқтисодиёти ва илғор халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган, тўғридан-тўғри амал қиладиган замонавий фуқаролик кодексини ишлаб чиқиш давр талабидир.

(Давоми 3-бетда) ▶

## Судьяликка янги тайинловлар амалга оширилди

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашида бир қатор номзодлар судьялик муддати даврига ва янги ваколат муддати даврига тайинланди.**

**Шу мақсадда карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда йиғилиш ўтказилди.**

**Хусусан, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 63, 63[1], 63[2]-моддалари ва "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида"ги қонуннинг 7, 17-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2020 йил 21 майдаги қарори билан қуйидагилар:**

**Акмал Файзуллаевич Жонқобилов** — судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси лавозимига;

**Баҳрилло Салимович Жабборов** — судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига, беш йил муддатга жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Жондор тумани судининг раиси лавозимига;

**Мансурбек Комилович Курбанов** — судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига Хоразм вилояти иқтисодий судининг судьяси лавозимига;

**Ўктамжон Зарифбаевич Машарифов** — судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига, беш йил муддатга жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти Шовот тумани судининг раиси лавозимига;

**Ҳасан Саматович Акбаров** — судьялик лавозимида бўлишнинг навбатдаги ўн йиллик муддатига жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туман судининг судьяси лавозимига тайинланди.

Шунингдек, **Бахтиёр Тўйчиевич Фармонов** — судьялик ваколатининг қолган муддати даврига фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг судьяси лавозимига;

**Наврўз Эргашевич Хамроев** — судьялик ваколатининг қолган муддати даврига фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани судининг раиси лавозимига;

**Шуҳрат Шавкатович Бакаев** — судьялик ваколатининг қолган муддати даврига жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг раиси лавозимига қайта тайинланди.

Шу билан бирга Судьялар олий кенгашининг қарори билан **107 нафар** номзод судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига қабул қилинди.

***Судьялар олий кенгаши оммавий ахборот воситалари билан алоқалар шўъбаси***

**"Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ушбу мавзуда телефон сўрови ўтказилди.**

*Ижтимоий сўров*

## Оила изоляциясида ўзаро муносабатлар ва масъулият доираси

Мамлакатнинг барча минтақалари, шаҳар ва қишлоқлардан эркаклар ва аёллар, ёшлар ва катта авлод вакиллари иштирок этган сўровда ўзини изоляциялаш тартибининг оилавий ички ва шахслараро муносабатларга таъсири, эр-хотин, фарзандлар ва ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари ўрганилиб, оилавий низоларнинг пайдо бўлиши ва кучайишига таъсир қилувчи омиллар аниқланди.

Телефон сўровида 50,2 фоиз иштирокчилар нуклеар, яъни ота-она ва уларнинг фарзандларидан иборат оилаларга эга экани аниқланди. 36,9 фоизи уч авлод вакиллари бирга яшайдиган оилаларда истиқомат қилади, уларда эр-хотин, ота-она, болалар ва кекса авлод вакиллари — буви-боболар умумий хўжалик юритади. 6,4 фоиз респондентлар эса тўлиқсиз оилаларда яшайди. Оиласи икки киши — эр ва хотиндан иборатлигини маълум қилган 3,6 фоиз сўров иштирокчилари асосан катта ёшдаги респондентлар бўлиб, уларнинг фарзандлари оила қуриб, ота-онасидан алоҳида яшайди.

Телефон сўрови ўзини изоляциялаш шароитида бўлган 37,8 фоиз оилада уйдаги мажбуриятларнинг қайта тақсимланиши юз берганлигини кўрсатди. Респондентлар узоқ вақт уйдан чиқмаслик ҳолати уй хўжалигини юритиш ва болалар тарбиясида эркаклар иштироки ошганини таъкидлади. Уларнинг фикрича, ўзини изоляциялаш тартиби уларга болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланиш, бўш вақтини улар билан биргаликда ўтказишга имкон берган.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

жойлаштириш воситаларини қуриш учун туризм соҳаси субъектларига аввал берилган кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 2022 йил 1 январгача бўлган даврда **фоиз харажатларининг** Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

**янги санитария-гигиена талаблари**га мувофиқлаштириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган кредитлар бўйича **фоиз харажатлари**нинг Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

айланма маблағларни тўлдириш учун туризм соҳаси субъектларига бериладиган **1 миллиард сўмгача** миқдордаги кредитлар бўйича 2020 йил 1 июндан 31 декабрга қадар бўлган даврда **фоиз харажатларининг** Марказий банк асосий ставкасидан ошган, бироқ 10 фоизлик пунктдан ортиқ бўлмаган қисми;

б) 2020 йил 1 июндан 2021 йил 31 декабрга қадар жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг 10 фоизи миқдорида **жойлаштириш воситаларини субсидиялаш;**

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси резидентлари — **туроператорлар ва турагентларга** кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан кириб келувчи хорижий туристларнинг умумий сони 500 минг нафарга етгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5781-сон Фармонига мувофиқ компенсация қилинадиган чартер рейслар орқали олиб келинганлардан ташқари Ўзбекистон Республикасига **олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист** учун 15 АҚШ доллари миқдорида, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида камида беш сутка бўлиши шарти билан **рағбатлантирувчи субсидиялар ажратиш;**

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кириш туризми қайта бошланган кундан эътиборан 2020 йил 31 декабрга қадар камида 10 кишидан иборат хорижий туристик гуруҳлар учун Ўзбекистон Республикасида тур ташкил этиш ва уларнинг жойлаштириш воситаларида камида беш кеча тунаб қолиши шарти билан туроператорларнинг авиа ва темир йўл чипталари бўйича харажатларини чипта нархининг 30 фоизи миқдорида **қисман субсидиялаш;**

д) 2021 йил 1 июнга қадар Жамғарма маблағлари ҳисобидан меҳмонхоналарга тоифа олиш ёки ошириш учун **реновация, реконструкция ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш** бўйича харажатларни олинган тоифани келгуси 3 йил давомида сақлаш шарти билан қуйидаги миқдорда қоплаш:

3 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 5 миллион сўм;

4 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 10 миллион сўм;

5 юлдузли тоифадаги меҳмонхоналарнинг ҳар бир хонаси учун 15 миллион сўм.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфидаги техникум ва коллежларга 2020 йилда ўқишга қабул қилинган барча тингловчиларни ўқитиш, истисно тариқасида, давлат гранти асосида амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкининг 2020 йил 1 октябрдан бошлаб жойлаштириш воситаларини қуриш учун тижорат банклари томонидан аввал берилган кредитлар бўйича асосий қарз тўловини 18 ойдан 24 ойгача узайтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

7. 2022 йил 1 январга қадар юридик шахслар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган дезинфекция ишларини олиб бориш учун жиҳозлар, техникалар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун алоқасиз бошқариладиган (сенсорли) жиҳозлар, шунингдек, ҳидсиз дезинфекцияловчи воситалар учун божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ва қўшилган қиймат солиғидан ташқари) озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан мазкур Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишни бошлаш учун Жамғармага 20 миллиард сўм ажратилишини, шунингдек, заруратга кўра Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг буюртманомаларига кўра мазкур Фармоннинг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратилишини таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан туризм соҳасидаги техникум ва коллежларда 2020-2021 ўқув йилида мутахассисларни тайёрлаш учун маблағлар ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Молия вазирлиги билан биргаликда қабул қилинган қўллаб-қувватлаш чораларининг натижадорлиги ўрганилишини ва унинг якунлари бўйича кейинги йилларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш бўйича таклифлар 2021 йил 15 январга қадар киритилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 28 май*

# РАҚОБАТ – БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ҚАТЪИЙ ЎТИШ ЖАРАЁНИДА ПРИНЦИПИАЛ МАСАЛА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

— Қачон рақобатга тайёр бўламиз? Соҳа ва тармоқларимиз тайёр бўлса. Соҳалар қачон тайёр бўлади? Мутахассислар бўлса. Энг заиф жойимиз: малакали мутахассислар етишмайди, технология йўқ, стандартлар йўқ. Шунинг учун бу соҳани деярли бошидан бошлашимиз керак, — деди Президент.

Рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш борасида мутлақо янги тизим яратиш лозимлиги таъкидланди. Олий таълим тизимида рақобатни ривожлантириш йўналиши бўйича алоҳида факультет, кундузги ва сиртқи ўқиш шаклларини очиш, янги фан жорий қилиш ва ушбу мақсадлар учун академик соатлар ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида монопол корхоналар раҳбарлари ва ҳокимлар учун рақобатни ривожлантириш йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиб, ўқув жараёнига ҳалқаро молия ташкилотларидан эксперт ва профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Рақобат соҳасига оид низоларнинг малакали кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Тошкент юридик университетида шу йўналиш бўйича судьялар малакасини ошириш, судьяларни ушбу йўналишда ихтисослаштириш ва алоҳида суд коллегиясини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Иқтисодиётда имтиёзлардан самарали фойдаланиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Масалан, имтиёздан фойдаланган 23 та ёғ-мой корхонасида янги иш ўринлари етарлича ташкил этилмаган. Аксинча, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида рақобат муҳити яратилгани натижасида сўнгги 4 йилда парранда гўшти етиштириш 100 минг тоннадан 205 минг тоннага, балиқ 65 минг тоннадан 122 минг тоннага кўпайган.

— Паррандачилик ва балиқчилик уюшмалари монополиядан озод қилингани самараси сезиляпти. Тадбиркорлар ўзини эмин-эркин ҳис қилиб, ҳаракат қиляпти. Нарх ва сифат жиҳатидан бозорга муносиб товар ва хизматлар чиқиши керак. Рақобат бўлса, аҳолининг танлаш имконияти ва сотиб олиш қобилияти ошади, одамлар рози бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳам батафсил таҳлил қилинди.

— Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида кўп гапирилади, лекин амалда бу тизим тўла ташкил қилингани йўқ. Буни талаб қиладиган муҳит йўқ, билим йўқ, оммавий ахборот воситаларида тарғибот етишмайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўтган йили истеъмолчилардан тушган 11 мингдан ортиқ шикоятнинг 50 фоизи коммунал ва транспорт, 25 фоизи савдо, қолган 25 фоизи алоқа, молиявий хизматлар ва бошқа соҳаларга оид бўлган.

Бунга асосий сабаб, монопол корхоналар ўз манфаатига мослаб ҳужжатлар ишлаб чиққан ва уларда истеъмолчилар манфаати тўлиқ инобатга олинмаган.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ваколатларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Қўмитани истеъмолчиларнинг манфаатларини тўғридан-тўғри ҳимоя қиладиган халқ вакиллик органи — Олий Мажлисга ҳисобдор этиб белгилаш масаласини кўриб чиқиш топшириғи берилди.

**ЎзА**

*Ижтимоий сўров*

# Оила изоляциясида ўзаро муносабатлар ва масъулият доираси

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Телефон сўровидан маълум бўлишича, фуқароларнинг кўпчилик қисми уйдаги мажбуриятларни тақсимлашда анъанавий меъёрларга амал қилишда давом этмоқда. Жумладан, 60,6 фоиз иштирокчи фикрича, оиладаги барча аъзоларнинг мажбуран уйда бўлиши уй мажбуриятларининг улар ўртасида тақсимланишига таъсир кўрсатмади, оиланинг ҳар бир аъзоси карантингача ўзи бажарган одатдаги уй юмушларини бажармоқда.

Кўпчилик фуқароларнинг фикрича, уларнинг оиласида жипслик, хайрихоҳлик ва хушфеъллик асосидаги ўзаро муносабатлар, ҳимояланганлик туйғуси билан тавсифланадиган ижобий руҳий муҳит ҳукм сурмоқда. Респондентлар берган жавобларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, карантин чоралари ва ўзини изоляциялаш тартибининг жорий қилиниши билан боғлиқ юзага келган вазиятда ўзбекистонликлар учун оила ишончли таянч ва суянч ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида оилавий ички ихтилофлар, ўзаро муносабатлардаги қарама-қаршиликлар муаммосининг турли жиҳатлари ўрганилди.

Сўров натижасига кўра, бу борада энг кўп ҳолларда эр-хотинлар ихтилофга боришади: респондентлар оиласида эр ва хотин ўртасида можаролар бўлиб туришини қайд этди. "Оталар ва болалар" низоси эр-хотин можаросидан кейин иккинчи ўринда туради. Сўралганларнинг бир қисми фарзандлари ўртасида ўзаро тушунмовчилик ва ихтилофлар борлигини айтишди. Қайнона ва келин ўртасидаги келишмовчиликлар энг оғриқли муаммолардан бири ҳисобланади. Иштирокчилар фикрича, бир томондан, қайнонанинг зулми, келинни ҳар томонлама назорат қилишга интилиши жанжалнинг сабаби ҳисобланса; бошқа томондан, ёш келиннинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги ва хўжаликни уқувсиз бошқариши низоларни келтириб чиқаради.

Телефон сўрови оилавий можароларнинг асосий сабабларини аниқлаб берди. Оила аъзолари ўртасида ўзаро тушунишнинг йўқлиги, маиший асосдаги жанжаллар, моддий қийинчиликлар, ўзининг оилавий мажбуриятларига нисбатан масъулиятсизлик, эр-хотиндан бирининг ўз ҳукмини ўтказиш ва сўзсиз бўйсундиришга интилиши асосий сабаблар ҳисобланади. Интервью давомида фуқароларнинг бир қисми оиладаги барча аъзоларнинг узоқ вақт уйда бирга бўлишини низоли вазиятлар пайдо бўлишининг сабабларидан бири сифатида кўрсатишди.

Пандемия муносабати билан жорий этилган глобал карантин чоралари ва ўзини изоляциялаш тартиби бутун дунёда оилавий можаролар сонининг ошиши ва уйдаги зўравонлик ҳолатларининг кўпайишига олиб келди. БМТ маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёл уйида зўравонликка дуч келади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда коронавирус инфекциясига қарши кураш даврида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан ёрдам кўрсатиш хизмати фаолияти йўлга қўйилиб, ўз қариндошлари томонидан тазйиққа учраган оила аъзолари ушбу хизмат орқали малакали ёрдам ва руҳий кўмак олиши мумкин бўлмоқда.

Сўров иштирокчиларининг таъкидлашича, бошқа оила аъзолари ҳам шафқатсиз муносабатга дучор бўлишади. Сўралганларнинг фикрига кўра, кексалар камдан-кам, лекин барибир маиший зўравонлик қурбонларига айланиб туради. Буни ёшга оид ўзгаришлар туфайли кексаларнинг бир қисмида феъл-атвор ўзгариши натижасида уларнинг ўз оила аъзоларига баъзи муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлиги билан изоҳлашади.

Иштирокчиларнинг 63,1 фоизи оила янада жипслашди ва барқарорлашди, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар яхшиланди, деб жавоб берди. Аксарият респондентлар халқимизнинг "менинг уйим — менинг қўрғоним", деган оқилона ибора мазмунини юракдан англаб етиб, чуқур ҳис қилишганини, оила аъзоларини қайта кашф этишганлигини, яқинларининг фикри, қизиқишлари ва шахсий эркинлигини яхшироқ қадрлашни, бир-бирини ҳурмат қилишни ва ўзаро мулоқотдан завқ олишни ўрганишганлигини таъкидлашди. 13,6 фоиз респондентларнинг фикрига кўра, уйда ўзини изоляциялаш тартиби оилалар мустаҳкамлигининг ҳақиқий синови бўлди, чунки улар узоқ вақт давомида доимий равишда бир-бири билан бирга қолиш зарурияти ҳамда вазиятни ўзгартириш имконияти йўқлигининг салбий таъсирини бошдан кечирди.

Телефон сўрови давомида "барқарор, равон, хотиржам кайфиятда" эканлигини таъкидлаган 71,9 фоиз фуқаролар кўпроқ ижобий туйғуларни ҳис қилмоқда.

Сўровдаги маълумотлар 21,9 фоиз аҳолида коронавирус инфекцияси тарқалиши хавфининг объектив сабаблари, айрим корхона ва ташкилотлар ишининг тўхтатилиши, мамлакатдаги эпидемиологик ва иқтисодий вазиятнинг нафақат ҳозир, балки келажакда ҳам оилани боқиш, болаларни тарбиялаш, кекса ота-оналарга ёрдам бериш имкониятига қандай таъсир қилишидан мўътадил хавотирланиш даражасини аниқлади.

Умуман олганда, телефон сўрови натижалари шуни кўрсатдики, ўзбекистонликларнинг аксарияти ўзини изоляциялаш тартибини ёлғизликда эмас, балки яқинлари ва қариндошлари даврасида ўтказмоқда. Бу, шубҳасиз, афзаллик ҳисобланиб, оила аъзоларининг коронавирус инфекциясининг умумий таҳдидига қарши жипслашувини рағбатлантиради, ўзи ва яқинларининг саломатлиги учун масъулият ҳиссини оширади ва ўзини изоляциялаш тартиби қийинчиликларини ҳамжиҳатликда, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан енгиш имконини беради.

Аҳоли ўзини изоляциялаш тартиби, рўзғор мажбуриятларини оила аъзоларининг шахсий хусусиятларига кўра ва мавжуд вазиятга мувофиқ равишда тақсимлаш шароитига муваффақиятли мослашмоқда. Бу ҳол эса уларнинг муносабатларини янада уйғунлаштирмоқда. Айнан оила коронавирус инфекциясига қарши курашнинг ушбу мураккаб кунларида бошга тушган синовларни енгиб ўтишга одамларга ёрдам бермоқда ва куч бағишламоқда.

**"Ижтимоий фикр" Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида О.ХАРЧЕНКО тайёрлади.**

*ЎзА*

*Гиёҳвандлик — аср вабоси*

# Ўринсиз баҳона

***Бебаҳо саналган ҳаёт инсонга фақат бир марта берилади. Ҳаёти давомида кимдир — хайрли, эзгу амаллари билан одамлар орасида яхши ном қолдиради. Яна кимдир қонунга хилоф қилмиши ёки ман этилган фаолияти билан жамиятга зарар етказади.***

Одам соғлом турмуш тарзига қатъий риоя этиб, ҳалол яшаса, умрини эзгу амаллар билан безаса, оилада тинчтотувликни таъминлаб, меҳр-оқибатли, салоҳиятли, соғлом фарзандларни тарбияласа, ҳеч шубҳасиз, унинг ҳаёти фароғатли кечади.

Тўғри, одамларнинг тақдири турлича. Лекин ҳар ким ҳам ҳалол ва заҳматли меҳнати, яхши хулқи туфайли эга бўлган обрў-эътибори, оилада ўғил-қизларига берган муносиб тарбияси туфайлигина роҳат кўради.

Ҳаёт ҳамиша ҳам силлиқ кечавермайди. Одамнинг иродаси сустлиги, баъзан эса, оқибатни ўйламаслиги уни турли ножоиз ҳаракатлардан тийиб қолмаслиги ҳам мумкин.

Шу ўринда мақсадга ўтадиган бўлсак, инсоннинг юқори асаб тизимини издан чиқарувчи, руҳий ва жисмоний саломатлигига путур етказувчи гиёҳвандлик балоси ер юзида аллақачон глобал муаммога айланган. Дунёнинг барча давлатлари инсоният учун ўта хавфли ва хатарли иллат — гиёҳвандликнинг пайини қирқиш йўлида кескин кураш олиб бормоқда.

Руҳшуносларнинг таъкидлашича, гиёҳвандликка ружу қўйган одам ўзича исталган пайтда ундан воз кечаман деб ўйларкан. Аммо бу балодан қутулиш осон эмас. Бунинг учун инсонда мустаҳкам ирода, метиндек куч-қувват бўлиши керак.

Акс ҳолда, гиёҳвандлик ўз домига тушганларнинг ширин ҳаётини заҳар-заққумга айлантиради. Соғлиғини кемиради, ақлий ва жисмоний қувватини заифлаштиради. Бир пайтлар ҳамма ҳавас билан қараган оила гиёҳвандлик балоси туфайли барбод бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчилик ва гиёҳванд моддалар устидан назорат бошқармаси маълумотларига қараганда, бугун гиёҳвандликка ружу қўйганлар сони дунё бўйича 300 миллиондан ошган. Дунё миқёсида ҳар йили гиёҳвандликка чалинган 200 минг нафардан ортиқ киши ҳаётдан бевақт кўз юммоқда.

Дунёда, одатда, инсон ўлимининг 43 та сабаби қайд этилади ва бу рўйхатда гиёҳвандлик оқибатида содир бўладиган ўлим ўн тўққизинчи ўринда туради. Ёвуз ниятли гуруҳларнинг наркобизнес савдосидан топаётган даромади миқдори эса, йил сайин ошиб бормоқда.

Гиёҳвандлик балоси инсоният учун ўта хатарли бўлиб, дунё мамлакатларида содир этилаётган жиноятларнинг қарийб 60 фоизи гиёҳвандликка қарам шахслар ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг ёмони, гиёҳвандлик оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлмоқда. Яна бир ниҳоятда хавфли жиҳати шундаки, гиёҳвандлик оилалар ва миллат генофондининг бузилишига олиб келади.

Тарихий манбаларда ёзилишича, гиёҳвандликка қарши курашиш борасида давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш саъй-ҳаракатларига юз йилдан ошган. 1909 йил февраль ойида ўн учта давлат вакиллари Осиёда гиёҳванд моддалар етиштирилишига қарши курашиш мақсадида Шанхайда йиғилганлар. Ўшанда илк маротаба гиёҳвандликка қарши курашиш комиссияси ташкил этилган.

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини таъминлаш, халқимизнинг ҳаёти хавфсизлигига эришиш, саломатлигини асрашга устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Бу борада барча зарур ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар изчиллик билан амалга жорий этилмоқда.

Хусусан, салкам чорак асрдан буён Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази фаолият юритиб келмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона конвенцияси, Психотроп моддалар тўғрисидаги ҳамда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича конвенциялар ратификация қилинди.

Ўтган даврда "Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида", "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"-ги қонунлар амалга киритилди.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 270-276-моддаларида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга нисбатан жазо чоралари белгилаб қўйилган.

Ушбу турдаги жиноят ишларини судларда кўришда қонунларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, одил судлов сифатини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари қабул қилинган. Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелда қабул қилинган "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори шулар жумласига киради.

Мазкур Пленум қарорининг 3-бандига кўра, мамлакат қонунларида белгиланган шарт ва тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш қонунга хилоф муомала саналади.

*Қонун ижодкорлиги*




◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Айтиш керакки, янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳаси, бир томондан, Фуқаролик кодекси моддаларини унификация қилиш ва тизимлаштириш чораларини; иккинчи томондан, тадбиркорлик, шу жумладан, хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор янгиликларни ўз ичига олган.

Хусусан, алоҳида қонунларда ва Фуқаролик кодексида мазмунан такрорланадиган бир қатор қоидалар лойиҳа матнидан чиқариб ташланган. Жумладан, интеллектуал мулкка оид, юридик шахслар фаолияти ташкилий масалалари билан боғлиқ нормалар шулар сирасига киради. Шу билан бирга, қоидалардан айримлари, масалан, лизинг қоидалари амалдаги қонунлардан кодекс лойиҳасига кўчириб ўтказилмоқда.

Инвестиция муҳитини яхшилаш ва иқтисодиётда мулкий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида хорижий компанияларга Ўзбекистонда ўз филиалини рўйхатдан ўтказиб, ҳеч қандай тўсиқларсиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилиши режалаштирилган.

Шунингдек, мулк хусусий ёки давлатга тегишли бўлишидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқий ҳимоя белгиланмоқда. Давлат реестрига киритилган маълумотга ишониб мулкни сотиб олган мулкдордан, илгариги сотувчи томонидан қандайдир ҳуқуқбузарликка йўл қўйилган бўлса-да, мулк қайтариб олинмаслиги ҳамда мулк ҳуқуқининг ҳимоясини таъминлашга қаратилган янги қоидаларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Ушбу қоидалар хорижий инвестициялар кўламининг янада ошишига хизмат қилади. Шунингдек, мулк ҳуқуқи кафолатларининг мустаҳкамланиши Жаҳон иқтисодий эркинлик индекси ва бошқа халқаро рейтингларга ҳам ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда.

Яна бир янгилик фуқаролик қонун ҳужжатларини виртуал макон, яъни Интернетда вужудга келадиган муносабатларга ҳам тадбиқ этиш билан боғлиқдир. Келгусида электрон ёки бошқа техник воситалар ёрдамида тузилган битимларни ёзма шаклга тенглаштириш, электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда товарларни сотишнинг, рақамли пул, яъни криптовалюта муомаласининг асосий қоидалари белгиланаётир.

Бу янгиликлар тадбиркорлар учун фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда замонавий ахборот технологияларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда вақтни тежаш имконини беради. Шунингдек, ҳужжатлар айланмаси, меҳнат ресурслари, логистика, савдо ва сақлаш жойлари ижараси билан боғлиқ бир қатор харажатларни камайтиришга, электрон тижоратни янада ривожлантиришга туртки бўлади.

Албатта, лойиҳадаги шу каби кўплаб янгиликлар, айниқса, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ янги нормалар амалиётга босқичма-босқич жорий этиб борилади. Чунки бу жараён фаолият олиб бораётган тадбиркорларга ноқулайликлар туғдирмаслиги ва ортиқча харажатларни юзага келтирмаслиги керак.

Масалан, тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсларнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий шакллари бекор бўлиши ушбу шаклларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар дарҳол ўз шаклини ўзгартиради дегани эмас. Янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси кучга киргунга қадар ташкил қилинган юридик шахслар ўз таъсисчилари ихтиёрига кўра, хоҳлаган пайтда ёки бирор сабаб билан қайта ташкил этилганда янги шаклга ўтиши лозим бўлади. Бу каби масалаларни янги таҳрирдаги Фуқаролик кодексини амалга киритиш тўғрисида қабул қилинадиган қонунда белгилаб қўйиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида фуқаролик қонунчилигини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ модернизация қилиш, бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш учун замонавий фуқаролик-ҳуқуқий асос яратиш мақсади кўзда тутилган. Бу мақсадга эришиш учун Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссия тузилди.

Фуқаролик кодексини янги таҳрирда ишлаб чиқишда иш ҳажми катта бўлиши инобатга олиниб, энг аввало, Идоралараро комиссия томонидан фуқаролик қонунчилигини соҳаларга бўлган ҳолда 8 та йўналишда ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ишчи гуруҳларнинг намунавий режалари ҳамда фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш режаси тасдиқланди.

Ишчи гуруҳлар таркибига 50 нафардан ортиқ аъзо жамланди. Бунда асосан илмий-тадқиқот муассасаси илмий ходимлари ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тажрибали судьялар ва адвокатлар, давлат идоралари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб қилинди.

Ишчи гуруҳ аъзолари қарийб бир йилдан буён мунтазам равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтида йиғилиб ва масофадан туриб иш олиб бормоқда.

Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Шу мақсадда АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) кўмаги билан Германия, Франция, Польша, Россия, Покистон давлатларидан 20 нафардан ортиқ эксперт маслаҳатчилар хизматидан фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари 12 нафар миллий эксперт бевосита Франция, Польша, Россия давлатларига бориб ўрганишлар ўтказди.

Ушбу сафарлар давомида Париж шаҳрида Франция Адлия вазирлигининг фуқаролик ишлари бўйича бошқармаси, Париж Пантеон Ассас университети қошидаги Қиёсий ҳуқуқ институти, Континентал ҳуқуқни ўрганиш маркази, Кассация суди, Судьялар ва прокурорлар тайёрлаш миллий мактаби мутахассислари билан амалий мулоқотлар уюштирилди.

Шу билан бирга, Варшава шаҳрида Польша Адлия вазирлигининг фуқаролик қонунчилиги бўлими, Польша Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий илмий тадқиқотлар маркази, Польша Фанлар академиясининг Ҳуқуқий тадқиқотлар институти мутахассислари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди. Бу тадбирларда фуқаролик қонунчилиги муаммолари, истиқболлари ва янги замонавий ғоялар атрофлича муҳокама қилинди.

Москва шаҳрида Фуқаролик қонунчилигини кодификация қилиш ва такомиллаштириш бўйича Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Кенгаш раис ўринбосари ва аъзолари, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги С.Алексеев номидаги Хусусий ҳуқуқ тадқиқот маркази, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети профессор-ўқитувчилари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Анжуманда Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришда Россия Федерациясининг фуқаролик қонунчилигини ислоҳ қилиш тажрибасидан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Москвага сафар давомида, шунингдек, Фуқаролик кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлар аъзолари "Россия фуқаролик ҳуқуқи. Йил натижалари" IX Халқаро илмий-амалий конференциясида иштирок этишди. Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистонда фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида маълумот берилди.

Бугунги кунда дастлабки лойиҳа қўшимча фикр ва мулоҳазалар олиш мақсадида, мамлакатимизнинг вазирлик ва идораларига, ҳуқуқий соҳадаги олий таълим, илмий-тадқиқот муассасаларига, адвокатлар ва нотариуслар палаталарига юборилган. Табиийки, лойиҳа аҳолидан, соҳа мутахассислари ва ташкилотлардан келиб тушадиган таклифлар асосида янада такомиллаштирилади.

Ҳозирги кунда янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси қабул қилиниши асносида амалдаги бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатларига ўзгартишлар киритилиши билан боғлиқ тегишли қонун ҳужжатларининг лойиҳалари ҳам тайёрланмоқда. Бу жараёнда ўзгартириладиган қонунларнинг ўзи 20 тадан ортиқ бўлиб, қонуности ҳужжатлар сони эса, бундан ҳам кўпдир.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси билан бевосита тартибга солинмаган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи алоҳида қонунларни ҳам тасдиқланган Концепция асосида такомиллаштириш тақозо этилади. Хусусан, интеллектуал мулк, қимматли қоғозлар соҳалари шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар жуда кўп ва улар албатта, ниҳоясига етказилади.

**А.МАДАМИНОВ,**
*Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директори*

# Янги ойнинг янгиликлари

◀ (Бошланиши 1-бетда)

***Бешинчидан, юридик шахсларни биржа аъзолари сифатида аккредитациядан ўтказиш бошланади.***

Ҳукумат қарорига асосан қуйидаги тартиблар жорий этилади:

- товар сегментлари бўйича биржа савдолари маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ва биржа аъзоларига фойдаланиш ҳуқуқини берган ҳолда алоҳида секцияларда ўтказилади;
- маҳсулотни секция тамойили бўйича сотишни таъминлаш ва брокерлик ўринларини биржанинг расмий веб-сайти орқали тақдим этиш бўйича шаффоф механизмни инобатга олган ҳолда, юридик шахслар биржа аъзолари сифатида аккредитациядан ўтказилади;
- биржа савдоси қоидалари талабларига мувофиқлиги бўйича фаолият кўрсатувчи биржа аъзоларининг малака даражаси ҳар 3 йилда мунтазам аниқланади.

***Олтинчидан, маҳаллий экспорт қилувчиларнинг юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг бир қисми давлат томонидан қопланади.***

Президент Фармонига биноан, маҳаллий экспорт қилувчиларга юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш, шунингдек, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг бир қисми учун компенсация тўлаш механизмлари жорий этилади.

***Еттинчидан, индукцион печлардан фойдаланган ҳолда тайёрланган қурилиш учун мўлжалланган металл прокатини ишлаб чиқариш ва қўллаш тақиқланади.***

Бунда қурилишдан бошқа мақсадлар учун металл маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қўллашда индукцион печлардан фойдаланишга йўл қўйилади.

***Саккизинчидан, тадбиркорлик субъектларига лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришни рад этиш сабаблари қисқартирилади.***

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ, 2020 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектларига лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришда кадрларнинг профессионал малакаси, тақдим этилган ҳужжатлар ва дастурларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга, бино ва иншоотларнинг санитария-эпидемиологик талабларга ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги сабабли рад этишга йўл қўйилмайди.

***Манба: Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ахборот телеграм канали***

*Янги қонун моҳияти*

# Давлат божи ставкалари оптималлаштирилди

## *бу уй-жой олди-сотдиси билан боғлиқ нотариал ҳаракатларга ҳам алоқадор*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Айтиш керакки, ушбу янги қонун билан Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйларда кўчмас мулк олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш учун давлат божининг алоҳида ставкаси бекор қилинди.

Бундан ташқари нотариал амалиётда, хусусан, битимларни тасдиқлаганлик ва мерос ишларини расмийлаштирганлик учун давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятларига аниқлаштирувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган айрим давлат божи тўловларининг миқдорлари оптималлаштирилиши ҳам назарда тутилган.

Шу билан бирга, адвокатлик тузилмалари, уларнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, юридик маслаҳатхоналарнинг низомларини давлат рўйхатидан ўтказганлик ҳамда юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олганлик учун ундириладиган давлат божи ставкалари бўйича қўшимча киритилган.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур қонун давлат божи ставкаларининг оптималлаштирди ва уни ундиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштирди.

**Бахтиёр УМАРОВ,**
*сенатор*




Шуниси аниқки, ҳар бир қонунбузилиш ҳолати ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Судлар томонидан эса, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ ҳар қандай жиноий қилмиш учун жазонинг муқаррарлиги таъминланади.

Яқинда тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисми ва 25, 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилган Аслиддин Жавлоновга (исм-шарифлар ўзгартирилган) нисбатан жиноят иши судда мазмунан кўриб чиқилгани бунга яна бир ҳаётий мисолдир.

Суд А.Жавлоновни юқоридаги моддаларда назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топди. Унга нисбатан айбланган ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жазо тайинлаб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан судланувчини узил-кесил тўрт йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Мулоҳаза қилиб қаралса, бу дунёда борига қаноат қилган, тинч яшашни мақсад билган, ўз саломатлигини асрашни одатга айлантирган одамдан ножоиз ишлар чиқмайди. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, орамизда гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноят эканлигини билмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Яна ким денг, бир пайтлар туман ички ишлар бўлими Қўриқлаш хизматида ишлаб, нафақага чиққан собиқ ходим бундай қилмишни содир этса?!.

Таркибида гиёҳвандлик воситалари мавжуд экинни экиш ва етиштириш, уни кўп миқдорда ўтказишга суиқасд қилиш жиноятига қўл урган шахснинг жиноий кирдикорини оқлаб ёки кечириб бўладими?!. Йўқ, албатта.

Аслиддин нафақага чиққанидан кейин бекор қолмаган. Уйи яқинидаги фермер хўжалиги билан ўзаро келишув асосида ўн гектар ер майдонидаги ғўзаларга сув тараб, уларни суғориш билан шуғулланган. Хизмати эвазига ана шу ер майдонининг бир четидаги икки қатор тут плантацияси орасига экин экиб, фойдаланиб келган.

Ҳар ойда олаётган нафақаси, дала-деҳқончиликдан кўрилаётган фойда билан А.Жавлонов ҳеч кимдан кам яшамаётганди. Бундан ташқари у яқин атрофдаги маҳаллаларда халқнинг тўй-ҳашамлари ва маъракаларида ошпазлик қиларди, хизмати ортидан эл орасида ҳурмат-эътибори ҳам баланд эди.

Аслиддиннинг қонунга тамомила зид қилмиши фош бўлгандагина уни таниган, билган одамлар ҳайратланишди, унга ачинишди.

Шу ўринда воқеа тафсилотларидан ўқувчини хабардор этадиган бўлсак, ўтган йилнинг 29 сентябрь куни ички ишлар бўлими ходимлари томонидан туман ҳудудида "Қорадори — 2019" тезкор профилактик тадбири ўтказилган. Тадбир чоғида А.Жавлоновнинг томорқаси кўздан кечирилганда, 35 туп "каннабис" гиёҳвандлик ўсимлиги парвариш қилинаётгани аниқланган.

Экиш ва етиштириш тақиқланган ана шу ўсимликлар суғуриб олиниб, торозига тортилганида унинг нам ҳолатдаги оғирлиги 460 граммни ташкил этган.

Томорқасига экканидан қаноатланмаган Аслиддин фермер хўжалиги тутзорлари орасида ҳам 6 туп "каннабис"ни парваришлаган экан. Ўлчаб кўрилганда, уларнинг оғирлиги 194 грамм тош босган.

Гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссиясининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарорида "каннабис" гиёҳвандлик воситалари туркумига кириши кўрсатилган. Демак, "каннабис" билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш қатъиян тақиқланади.

Жиноят ишини судда кўриш чоғида судланувчи гиёҳвандлик воситаларини ўзи истеъмол қилиши учун экканини айтди. Уни биронбир шахсга ўтказиш ёки сотиш мақсади бўлмагани ҳақидаги важларни келтирди.

Судда ушбу важлар муҳокама қилинди. Суд аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, бу важларни жиноий жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида судланувчи томонидан берилган ёлғон кўрсатмалар, яъни ўринсиз баҳона, деб ҳисоблади.

Албатта, суд судланувчи А.Жавлоновга нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олди ва жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб баҳолади.

Унинг айбига иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароити, муқаддам судланмаганлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги ва маҳалла аҳолиси томонидан берилган илтимосномани, ёлғиз оила боқувчилигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топди.

Шу боис суд А.Жавлоновга нисбатан жазо тайинлашда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо белгилади.

Хулоса қилиб айтганда, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишнинг ҳар қандай кўриниши билан ҳам муроса қилиб бўлмайди. Гувоҳи бўлганингиздек, бунда ўринсиз баҳоналар ўтмайди, жиноий қилмиш учун албатта, жазо муқаррардир.

**Аважон ИБОДОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Навбаҳор тумани судининг раиси*

*Жиноятга жазо муқаррар!*

# Хусумат ва туҳмат

## *товламачилик жиноятига йўл очди*

***Халқимиз туҳмат тошни ёради, тошни ёрмаса, бошни ёради, деб бежизга айтмаган.***

***Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда хусумат, бўҳтон, туҳмат — энг оғир иллатлардан саналади. Кимнингдир хусумати туфайли айбсиз одамнинг асаблари қақшайди. Бўҳтон бўронига дучор, туҳмат тошига нишон бўлган одам ҳақиқат юзага чиққунига қадар эл орасида боши эгилади, азият чекади.***

***Бундай иллатлар одамларнинг тинчлиги ва осойишталигини бузиш билан бирга жамият ҳаётига соя ташлаши билан ҳам ўта хавфлидир.***

**Суд очерки**

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Мамадиёр Сафаров (исм-шарифлар ўзгартирилди) 2013 йилнинг май ойида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сайловида маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасига сайланганди. У уч йил ушбу лавозимда фаолият юритди.

Кейинги гал — 2016 йил май ойида маҳалла фуқаролар йиғини раислигига уч нафар кишининг номзоди қўйилди. Улар орасида олий маълумотли ўқитувчи Баҳром Алимовнинг ҳам номзоди бор эди. Сайловчи вакиллар уч номзод орасидан Б.Алимовга кўп овоз беришган экан, шу сабабли у маҳалла раиси лавозимини эгаллайди.

Баҳром Алимовга сайловчи вакиллар кўпроқ ишонч билдирганининг бошқа томони ҳам йўқ эмасди. Чунки замон ўзгарди, маҳалланинг фаолияти тубдан кенгайди. Эндиликда ўрта ёки ўрта махсус маълумотли эмас, балки олий маълумотли, халқ ишончини оқлай оладиган, тажрибали, билимдон раҳбар маҳаллага бош бўлишини ҳаётнинг ўзи тақоза этмоқда.

Албатта, бу масъулиятни чуқур ҳис этган Б.Алимов елиб-югуриб ишлади. Бу орада вақт ўтиб, яна ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови муддати яқинлашаётганди. Аниқроғи, 2019 йилнинг май ойида маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайловчи вакиллар томонидан сайланиши лозим эди.

Сайловга бир ой муддат қолганда собиқ раис Мамадиёр Сафаров Баҳром Алимовга келиб учрашади ва кутилмаганда, ғалати талабни қўяди:

— Бу сафар сен маҳалла раислигига номзодингни қўймайсан!

Б.Алимов, табиийки, буни эшитиб, ҳайрон қолади ва сабабини сўрайди.

— Номзодингни қўйма, дедимми, қўйма, бир сафар ўтказиб юбор, одамлар сендан норози бўляпти, — дейди М.Сафаров.

**(Давоми 4-бетда)** ▶

*Оқлов*

# Ноҳақ айбланган ҳуқуқшунос

## *ўн тўрт йилдан сўнг оқланди*

**Ҳаётда инсон ҳамма нарсага чидаши, ҳар қандай оғир синов ва машаққатларни енгиб ўтиши мумкин. Аммо одам боласи адолатсизлик, ноҳақликни ҳеч қачон қабул қилолмайди. Бошқача айтганда, адолатсизликка учраган киши ҳақ жойида қарор топганга қадар ҳаловат нима эканини билмайди.**

Асли мутахассислиги ҳуқуқшунос бўлган, Олтиариқ туман ҳокимлигининг Ижтимоий кўникма маркази раҳбари лавозимида фаолият юритиб келган Мақсуджон Маҳмудов ҳам 2005 йилда адолатсизликка рўбарў келганда шундай оғир аҳволга тушганди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, М.Маҳмудов қандай хатти-ҳаракати учун айбдор деб топилганди?

Гап шундаки, М.Маҳмудов ўз касбидан ташқари компьютер билан ишлаш, ҳатто уни таъмирлашни ҳам яхши биларди. Шу боис 2005 йил 16 июнь куни тушдан сўнг туман прокуратураси терговчиси И.Шамсиддинов хизмат компьютерини кўздан кечириб беришини илтимос қилиб, уни ўз хонасига таклиф қилади. Бинобарин, М.Маҳмудовни жавобгарликка тортилиши айнан шу ҳолат билан боғлиқ.

Яъни тергов ва судда эълон қилинган айбловга кўра, соат 16:30ларда терговчи унга хонадаги китоб жавонида турган 3000 АҚШ долларини ташқарига олиб чиқиб, яшириб қўйишни буюрган. Шунга биноан жамоатчи ёрдамчи айтилган пулни идора ошхонасидаги газ плитасининг ичига яшириб қўяди. Шу вақтда прокуратура биносига тегишли идора ходимлари кириб келиб, И.Шамсиддиновни қўлга олишади. Сўнг фуқаро Ш.Тўхлиевдан олинган 3000 АҚШ долларини қаерга яшириб қўйганлигини сўрашади. Валютани яширган М.Маҳмудов эса, пулнинг пора тариқасида берилганидан бехабар экани ва уни кўрмаганини билдиради. Лекин тезкор тадбир иштирокчилари прокуратура биноси, ошхона ва бошқа жойларни кўздан кечиришганда яширилган пул топилади ва далилий ашё тариқасида олинади.

Оқибатда М.Маҳмудов мазкур жиноят иши доирасида Жиноят кодексининг 241-моддаси 2-қисми (оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш) билан айбланади. Шу боис жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2005 йил 3 октябрдаги ҳукми билан ана шу моддага биноан иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига тортилади. Суднинг 2006 йил 20 сентябрдаги кассация ажримига мувофиқ эса, ҳукм ўзгаришсиз қолдирилади.

Албатта, юқорида баён этилган тафсилотлар айблов хулосаси ва суд ҳукмида ўз ифодасини топган. Бироқ орадан йиллар ўтса-да, М.Маҳмудов ўзига қўйилган айбловга барибир тоқат қилолмади. Охир-оқибат у ҳақиқатни қарор топтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилди.

Дарҳақиқат, жиноят ишидаги ҳар бир ҳолат Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан батафсил ўрганиб чиқилганда марказ раҳбарини айблашда Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Олий суд Пленумининг тегишли қарори талаблари бузилгани ўз тасдиғини топди. Бинобарин, жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2006 йил 20 сентябрдаги кассация ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанцияга юборилди.

Жиноят ишини кассация инстанциясида кўриш жараёнида аён бўлдики, биринчи босқич суди Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасидаги "Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим" деган талабларига риоя этилмаган.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, М.Маҳмудов терговчининг кўрсатмасига асосан пулни яширганда унинг пора тариқасида олинганини билмаган. Аниқроғи, терговчининг олдига қайтиб кирган пайтда хонада турган тезкор ходимларни кўриб, улар пул ҳақида сўрашгандагина гап нимада эканини тушунган. Сўнг бўлган воқеани айтиб бериб, пулни яширган жойини кўрсатган. Бундай ҳолатда эса, шахсни ўта оғир жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яширганликда айблаб бўлмайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги белгиланган. Ана шу асосларга таянган суд жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг юқоридаги ҳукмини бекор қилиб, М.Маҳмудовни айбсиз деб топиб, оқлади. Натижада унинг қариндош-уруғ, қўни-қўшни, таниш-билиш ва ҳамкасблари олдида юзи ёруғ бўлди. Энг эътиборлиси, М.Маҳмудов оқланганидан сўнг суд тизимига ишга ўтган — айни пайтда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида судья ёрдамчиси вазифасида меҳнат қилиб, жамиятда қонун устуворлиги ҳамда одил судловни таъминлашдек шарафли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Хулоса ўрнида шуни эътироф этиш лозимки, айни пайтда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жамиятда адолатни қарор топтиришдек эзгу ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бу борада эса, судларнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш судлар фаолиятининг бош мезонидир.

**Беҳзод ЭРГАШЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг судьяси*
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

---

**Ҳалқимиз меҳр-оқибат, ўзаро ишонч, олижаноблик, қадр-қиммат каби соф инсоний туйғуларни ҳамиша эъзозлаб келган. Негаки, бу фазилатлар инсонларни бир-бирига яқинлаштирибгина қолмай, уларни яхши ёмон-кунларда елкадош, кўмакдош бўлишга ундайди. Аслида ҳаётнинг мазмун-моҳияти ҳам шунда. Бироқ орамизда шундайлар ҳам учрайдики, уларнинг хулқ-атворида, одамларга бўлган муносабатида юқорида зикр этилган фазилатларни кўрмайсиз.**

*Ҳуқуқбузарлик — иллат*

# Оқибатга дарз кетса...



Бундай дилозор кимсаларнинг ножоиз гап-сўзлари ва хатти-ҳаракатларидан бошқалар азият чекади. Биз қуйида баён қиладиган воқеалар тафсилотлари айнан шундай кимсалар хусусидадир.

Қамаши туманининг Баландчайла қишлоғида яшовчи Ботир Саломов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳамқишлоғи Шокир Турсуновга тегишли дала майдонида молларини боқиб юрган пайтда Шокир кутилмаганда келиб қолади. У Ботирга бу иши нотўғри эканини ётиғи билан тушунтириш ўрнига, бирданига жаҳл отига минади ва уни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлайди.

Шундан сўнг ўртадаги ножоиз гап-сўзлар катта можарога айланиб, Шокир Ботирнинг дуч келган жойига уриб-тепкилайди. Таёқ зарбидан тан жароҳати олган Ботир ҳушини йўқотади. Хайриятки, яқин атрофдаги одамларнинг ёрдами билан у зудлик билан шифохонага етказилади.

Оқибатда Ботир бир неча кун шифохонада ётиб даволанди. Шокир эса, қилмиши учун суриштирув идораларига жавоб берадиган бўлди...

Яна бир ҳаётий мисол ушбу туманнинг "Оқгузар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Собир Эргашевнинг ўзаро оилавий келишмовчиликлари билан боғлиқ. Бундан икки йил муқаддам С.Эргашев билан турмуш ўртоғи Наргиза Эшмуродова ўртасидаги қонуний никоҳ суднинг ажримига кўра, бекор қилинади.

Вояга етмаган 2 нафар фарзанд, айрим сабабларга кўра, отанинг қарамоғида қолади. Томонларнинг ўзаро келишувига асосан, она маълум вақтларда фарзандларини кўргани келиб туради.

Шундай кунларнинг бирида Собир фарзандларидан хабар олгани келган собиқ турмуш ўртоғи Наргизани совуқ қарши олади. Ораларида бўлиб ўтган гап-сўзларни қайта қўзғаб, уни ёзғира бошлайди.

Сўнг эса, ўзаро беъмани айтишувлардан жазавага тушган Собир аёлни дўппослашгача бориб етади. Натижада Наргиза Эшмуродова оғир тан жароҳати билан шифохонага тушиб, узоқ вақт даволанишга мажбур бўлади.

Суд ҳар икки ҳолат бўйича ҳуқуқбузарлар Ш.Турсунов ҳамда С.Эргашевнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини кўриб чиқди. Суд ҳайъати уларнинг ўзлари ва жабрланувчиларнинг суддаги тушунтиришларидан ташқари аризалар, дастлабки тушунтириш хатлари суд-тиббий экспиртиза хулосаси, маъмурий баённомалар ва ишда тўпланган бошқа ҳужжатлар ҳамда ишни қайта судда кўришда аниқланган ҳолатларга биноан мазкур ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига кўра, айбдорларга жазо тайинланди. Шу билан бирга, суд қарорида жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш важидан келгусида низо келиб чиқса, фуқаролик ишларини судда иш юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқлари очиқ қолдирилгани қайд этилди.

Мухтасар айтганда, ҳар қандай қалтис қадам, ножўя хатти-ҳаракат изсиз кетмайди. Шу боис бу ҳаётда ўз шаъни ва қадр-қимматини ўйлаган одам ноўрин ишлардан тийилади. Аксинча, ёмон иллатлардан йироқ юрмаган кимсаларнинг эл олдида юзи шувут бўлади.

Бу ҳаётий ҳақиқатни вақтида англаган ҳолда, умр мазмуни фақатгина тўғри яшаш, атрофдагиларга азият эмас, наф келтиришда эканлигини ҳеч қачон унутмаслик даркор.

**Бекзод ЎРАЛОВ,**
*Қамаши тумани маъмурий судининг раиси*
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

---

*Жиноятга жазо муқаррар!*

# Хусумат ва туҳмат

## *товламачилик жиноятига йўл очди*




◀ (Бошланиши 3-бетда)

Б.Алимов унинг бу гапини эшитиб, баттар ҳайрати ортади, "одамлар норози бўлса, бундан биринчи навбатда, ўзим хабар топишим керак эди-ку?!" — деган ўй кўнглидан ўтади. Шунинг учун у "халқ қайта сайласа, ишлайвераман" дея жавоб беради.

М.Сафаров англадики, Б. Алимов отдан тушса ҳам, эгардан тушадиган эмас. Шу боис, у сайлов муддати келгунига қадар отни қамчилашга тушади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б.Алимовнинг устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга шикоят хатлари ёзади. Вилоят ҳокимлиги "Ишонч телефони"-га хабар жўнатади.

Шикоят хатларида маҳалла ҳудудидаги туман ҳокимлиги захира ерларини Б.Алимов фуқароларга сотгани, ўқитувчи бўла туриб, мактабда ўқувчиларга дарс бермаётгани, маҳалла фуқароларининг уй-жой кадастр ҳужжатларини тайёрлашда ҳар бир хонадон эгасидан 200 АҚШ доллардан олгани сингари бўҳтон ва туҳматдан иборат далилларни баён этади.

Бу туҳматларни эшитиб, Б.Алимовнинг асаблари қақшайди ва Мамадиёр Сафаровга учрашиб, нима мақсадда устидан ёлғон аризалар ёзаётганининг сабабини сўрайди.

— Сен маҳалла раислигидан бўшашинг керак, — дейди М.Сафаров безбетларча. — Ана шунда шикоят ёзиш тўхтатилади.

Б.Алимов бу гал ҳам М.Сафаровнинг талабига "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб бермайди. Май ойи келгач, сайлов бўлиб ўтади. Сайловда етмиш беш фоиз овоз билан Баҳром Алимов яна маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланади.

Ўшанда 2019 йилнинг 4 декабри, Б.Алимов мактабда эди. Маҳаллада яшовчи Абдуғани Эргашев уни излаб келади.

— Мени Мамадиёр ака жўнатди, — дейди у. — Сизни у киши билан яраштириб қўймоқчиман.

— Майли, ярашаман, бунинг учун нима қилишим керак? — деб сўрайди Б.Алимов.

Шундан сўнг А.Эргашев мақсад-муддаога ўтади: М.Сафаровга пул бериши керак экан, ўшанда шикоят ёзишни тўхтатармиш.

Б.Алимов, табиийки, қанча пул бериши кераклигини сўрайди. А.Эргашев эса, М.Сафаров билан гаплашиб, натижасини маълум қилишини айтади.

Орадан бир кун ўтгач, А.Эргашев Баҳромга қўнғироқ қилади.

— Агар 12 миллион сўм берсангиз, яраштириб қўяман, сизни бошқа безовта қилмайди, ариза ёзмайди, ёзган аризаларини ҳам қайтариб олади, — дейди у. — Агар пулни тўлиқ бермасангиз, ишдан олдириб, қаматиб юборади...

Б.Алимов бунча пули йўқ эканини айтиб, "ўйлаб кўрай" дея жавоб беради.

Эртаси куни А.Эргашев яна қўнғироқ қилганда, Б. Алимов "устимдан ариза ёзишни тўхтатса, майли, 6 миллион сўм бераман", дейди.

Хуллас, эртаси куни А.Эргашев Б.Алимовга қўнғироқ қилиб, 6 миллион сўм устига яна 1 миллион сўм қўшиши лозимлигини айтади. Б.Алимов улар сўраган 7 миллион сўмни беришга ваъда қилади.

М.Сафаров шикоят аризалари бўҳтон ва туҳматдан иборатлиги туфайли бирон-бир натижа чиқмаётгани сабабли А.Эргашевни ўзига шерик қилиб олган ва товламачилик йўли билан жиноий даромад топишни кўзлаган эди. 11 декабрь куни эрталаб Б.Алимов бир миллион сўм пул билан А.Эргашевнинг ҳовлисига кириб боради. У пулни А.Эргашевга бераётиб, "бу ерда бир миллион сўм, қолганини бир-икки кунда топиб бераман", дейди.

А.Эргашев эса, дарҳол М.Сафаровга қўнғироқ қилиб, "Баҳром менга келишилган пулдан бир миллион сўмини олиб келди, қолганини бир-икки кунда бераркан", — дея уни хабардор қилади.

— Майли, — жавоб қайтаради нариги томондан М.Сафаров.

Баҳром Алимов ўзининг қўл телефони диктофонига товламачилар ўртасида бўлиб ўтган ана шу суҳбатни ёзиб олган эди.

Шундан сўнг у тегишли идорага ариза билан мурожаат қилиб, диктофонга ёзиб олинган суҳбатни ҳам тақдим этади.

Департамент ходимлари томонидан ариза юзасидан холислар иштирокида жами 6 миллион сўм пул тайёрланади. Пуллардан ўн дона 10 минг сўмлик купюрадаги пулларга кимёвий ишлов берилиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштирилади.

Воқеанинг бу ёғини эшитадиган бўлсангиз, Б.Алимов А.Эргашевга телефон қилиб, Мамадиёр ака билан бирга учаласи ошхонада ўтириб, овқатланишса, пулнинг қолганини ўша ерда бериш ниятида эканини айтади. Шундан сўнг 14 декабрь куни соат 16. 30 ларда А.Эргашев уни "Олтин балиқ" ошхонасига таклиф этади.

Аммо ошхонада Б.Алимовни А.Эргашевнинг ёлғиз ўзи кутиб олади. У М.Сафаров келмаслиги, барча ишни ўзи ҳал қилишини айтади. Қисқаси, А.Эргашев ҳаром луқма — 6 миллион сўмни олган чоғида далилий ашё билан қўлга тушади.

Ушбу жиноят ишини судда мазмунан кўриш жараёнида жабрланувчи Б.Алимов судланувчи М.Сафаров ҳамда А.Эргашевлар билан бир қишлоқда яшаши ва ҳатто қариндошлик ришталари бор эканини айтиб, уларга нисбатан даъвоси йўқ эканини билдирди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар М.Сафаров ва А.Эргашевнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, пул талаб қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблади.

Суд ҳар иккала судланувчига нисбатан жазо тайинлашда айбларига қисман иқрорлиги, қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани ва жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инобатга олди. Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарорида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига амал қилди. Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, айбдор деб топилаётган модданинг санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги енгилроқ жазо тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади.

Суд судланувчи М.Сафаров ва А.Эргашевни Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор, деб топиб, тўрт йилдан озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

Хулоса қилиб айтганда, хусумат ва туҳмат юқорида гувоҳи бўлганимиздек, товламачилик жиноятига йўл очди. Бундан жабрланувчи азият чекди, албатта. Бироқ қонунларимиз уни ҳимоя қилди. Товламачилар суднинг қора курсисида ўтириб, қилмишлари учун жавоб беришди.

**Темур АЛМАМАТОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон тумани судининг раиси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**Куч — адолатда**

***МУАССИС:***
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

***Бош муҳаррир:***
**Шодиқул ҲАМРОЕВ**

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

***ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:***
**Козимджан КАМИЛОВ**
**Икрам МУСЛИМОВ**
**Холмўмин ЁДГОРОВ**
**Бахтиёр ИСАКОВ**
**Светлана АРТИКОВА**
**Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**
**Замира ЭСОНОВА**
**Олим ҲАЙИТОВ**
**Азиз МИРЗАЕВ**
**Бобомурод РАЙИМОВ**

**Навбатчи муҳаррир:**
Сардор ҲАМРОЕВ

**Саҳифаловчи:**
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй**
**Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-523. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8689
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: $23^{30}$. Топширилди: $00^{40}$.